

Инобат
Нормуродова

СОФИНЧ
СОҲИЛИ

шеърлар

Қарши
«НАСАФ» нацириёти
1992 йил.

Ушбу мажмуадаги шеърларда ранглар-
иувозанати, инсон руҳиятининг товланишлари,
ўтли фурсатларининг зиддиятли кечинмаларе
бадиий бўёғларда инкишоф этилган.

Муҳаррир ҮРОЗ ҲАЙДАР

Н — 4702620202—18
376(04)92 — 02—92.

5 = 7323--0254—9

(С) Нормуродова И. 1992.

ПОКИЗА ТУЙГУЛАР ОЛАМИДА

Инобатининг шеърлари ўзига хос. У ҳаётни синчков, зиёрак қузатади. Бу бегубор шеърларни ўқиркансан, шоира ўниб-ўсган қишлоғнинг «тупроқли йўлаклари, ўқ-шаршаралари-ни»ни кўриб турасан. Қайси бир бекатда, «Ҳитобнинг меҳнаткаш автобуслари» кутиб турганига ишонасан. Унинг муҳаббат шеърларидағи оний ҳолатларнинг рост тасвири ҳам диққатга молик деб ўйлайман:

На кулдим, на қатра тўқдим ёшимни,
На ғаму на баҳтга йўлдош бўлдим мен.
У гулдай бағринга босмоқчи эди,
Бўлмади. Тош бўлдим, бир тонг бўлдим.
мен.

Мана бу, бир кескин тўртлик унинг «Покланаш» шеъридан олинган:

Дил истар тоза сўз янгроқларини,
Бахтсизликдир қайта яралмаса бахт
Ногаҳон сарғайган япроқларини,
Шартта узиб ташлар кўксидан дарахт...

Шундай. Дарахт сарғайган япроқларини ўз вақтида, «Шартта узиб ташлаш» қудратига эга бўлганда гина унинг қайтадан, олдингидаида, гуркираб кўкаражагидан умидвор бўлиш мумкин.

Мен шеър деб юкинган барча дўстларим қатори Иnobat синглимга ҳам бу мушкуз ижод йўлларида юкли, залворли, қудратни шеърият тилайман.

Ҳалима ХУДОИБЕРДИЕВА,

Ҳамза номидаги жумҳурият Давлат мукофотининг совриндори.

· · · · ·
Қанча сафар қариди йўлда,
Қанча тўлқин келиб кетди жим.
Ҳали-ҳамон осмонга беқиб,
Мен ҳақимда ўйлар мунажжим.

Нигоҳимда саволлар раҳси.
Фол кўргандай шивирлар тинчим.
Қанча йўллар юрибман эҳ-ҳе,
Ҳамон мени ўйлар мунажжим.

Кўринмайди йўлларда адоқ.
Турнақатор тизилар йўлчим.
Ой нурини ишга йигириб,
Яна мени ўйлар мунажжим.

Девлар келар бир кун бостириб,
Ва эртакка айланар ойим.
Сўнгра олиб кетар сўрамай,
Ўзи қарзга берган худойим!

• • •

Эшикка чопар кўзим,
Софинч ерга йиқилар.
Қамчи теккандай сўзим,
Томогимга тиқилар.

Узилади судралиб,
Ердан нохуш нигоҳим.
Қачон келар эшикдан,
Менинг падар-паноҳим?!

Ханжарига айланар,
Тун — кечанинг сўроғи.
Остонамга бойланар,
Яқин йўлнинг йироги.

Йироқдан келгин, сабр,
Келиб бўйимга бўйлан.
Изимга қарай-қарай,
Икки кўзимга айлан.

Сабр косам, тўлмагин,
Тўлдиrmагин бу дамни.
Паноҳингла асрагин,
Мен соғинган одамни!

• • •

Сўзимга кирмайди муҳтарам,
кунимин асраган хаёллар.
Парижон кунларим устига,
бостириб келади саволлар.

Аждаҳо юмидан мурувват,
кутмаган нигоҳим тонмайди.
Тун ёниб кетади бу кеча,
ёнмаса юрагим ёимайди!..

Ётсирағ термулар туманлар,
Сочига узун йўл илдириб.
Мозийдан келади садолар,
сабртош борлигин билдириб.

Сабртош очунда ухлайди,
кунимин асрайди хаёллар.
Бу кеча осуда ухлайди,
ёнгиси келмаган аёллар!..

* * *

Хар кун мени йўлларим қутар,
Изларимга кўз тутиб такрор.
Қуёш ерни соғиниб ўтар —
Тушларида кўринган дилдор.

Юлдузлардай тұлиб-тұлишиб.
Күк фонусин құтарар ҳар шом.
Ҳисларини бирдай бўлишиб,
Кўксимга бош қўяди оқшом.

Жимлик келар қайдандир оқиб,
Битта-битта қадам ташлайман.
Кўп соғинган йўлларга боқиб,
Айрилиқни сеза бошлайман...

МАРСИЯ

Ҳамза Умаров хотирасига

Юрагимда бир дард тўлғанди,
Юрагимда тўлғанди алам.
Нима қилдим, нимага қондим,
Сен нимага йиғлайсан, болам?

Сен нимага йиғлайсан тинмай,
Овозингни қўйиб йиғлайсан.
Кўрмаганинг уйингга кирмай.
Кетганидай куйиб йиғлайсан.

Чироғларни ёқолмай сарсон,
Тун ҳам йиғлар, юраги куяр.
Мендек гирён, мендек паришон,
Армонларни бир ёнга уяр.

Умидларни парчалайди зор.
Букири чолни кўрган бу олам.(1)
Сўраганинг муҳайё, бисёр,
Сен нимага йиглайсан, болам?

Олисдаги отамдан гапир,
Елкалари силкиниб айтар.
Хуш кўрарди ўзидан, ахир.
Бугун сўраб Тошкентга қайтар.

Қаршилайди савол-ла шунда:
«Ўн йил айтдим, кўрдингми, қизим,
Мен эдим-ку, бор эдим шунда,
Менинг учун кўрдингми, кўзим?!».

Кимдир келиб эшикни қоқар.
Армондир у, дард у биламан.
Елкамга тоф юкини ортар,
Нима дейман, нима қиласман?!

Кириб келар нигоҳлар у дам,
Таниёлмас кўзим уларни.
Сўраб кетар ҳовлижаб отам,
Театрдан Ҳамза Умарни...

1. В. Гюгонинг «Ҳиролнинг
дилхуши» аса-рининг қаҳрамони.

Инглесам қон йиғлагудекман,
Сим-сим тилар тилимни иолам.
Юракларни тиғлагудекман,
Сен нимага йиғлайсан, болам?!

* * *

Етагида — вақтнинг измига,
Парчалайман безовта жонни.
Эргашаман, отам қизига,
Айтолмаганидай армонни.

Айтолмаганидай: «Тўрт тараф,
Иўлинг берсин!» — бемор онамнинг.
Миңг йил кимнинг йўлига қараб,
Яшаётган ёлғиз одамнинг.

Эргашаман, туманлар кечиб,
Юракларда тонглар отгандай.
Дунёнинг бор дардини ичиб.
Менсиз кимдирикетаётгандай.

Ажралгиси келмайди мендан,
Ҳақнинг мангу узайган йўли.
Эргашаман, манзилим унда,
Менинг томон чўзилган қўли.

Эргашаман, кунлар ўтару,
Қуёш сочим тарайди ҳал-ҳал.
Қашқадарё бола кўтариб,
Иўлларимга қарайди ҳар гал!..

Чопиб чиқар поезд йўлига
Шу лаҳзани соғиниб, суйған.
Дашт гуллари келин қўлида,
Қизил гулли чит кўйлак кийган.

Қўлларида қип-қизил ғунча,
Боши узра соябон бўлар.
Термулади поезд ўтгунча,
Вагонларга омонлик тилар.

Нигоҳларда чайқалар илинж.
Эрта ўтар оқшом қайтгани.
Ҳар кун йўлга отланар келин,
Ҳар кун битта сирни айтгани.

Ўтаверар вагонлар кутмай,
Келин оғир хаёлга толар.
Темирйўлдан нарига ўтмай,
Саволлари ҳовлида қолар...

Шамолдай шивирлар кечки хаяжон,
Бир яккаш ҳукмга урилади туи.
Қўроқлик баҳтидан бенасиб ушид,
Ва мени кечирмас энг биринчи кун!

Хонага йиқилар ҳаяжон чарчаб,
Интизор кутганим бирор билмайди.
Эшикни тунд бўлиб ёпаман, такрор,
Келмаган меҳмоним тамом, келмайди!

Сўраганинг айттолмаган сўзларни,
Ҳар кун келиб оқ қоғозга тўкамаш.
Кўзларимда яшаётган кўзларни,
Тушларида кўраётган ўшаман.
Мангу борлиқ чўлғонади зиёга,
Ўйларимдан чарчамайман, толмайман.
Менинг учун ягонасан дунёда,
Сенга ортиқ бир сўз айттолмайман.

Оқ қоғозда йўллар тизими,
Узун-узун узиб кетади.
Қашқадарё томонга қараб,
Хаёлларим сузиб кетади.
Омонмисан, қадрдон далам,
Қизлар ўлан айтаяптими?
Елкасига кетмонни ташлаб,
Онам ишдан қайтаяптими?!
Омонмисан, бормисан, Оксув,
Шўх елларни толдирган дарё?

Соҳилида қизалюқлигим,
Иzlарини қолдирган дарё!
Омонмисиз шоним-шавкатим,
Оппоқ сочли давлатим — отам.
Умид, ғуур, хаёлларимнинг
Улуғвори, савлатим отам.
Омонмисиз билган-бilmаган
Диёrimнинг неки борлари.
Сизни қўмсаб салом йўлладим,
Омон бўлсин Минг чинорлари!

• • •

Деразадан бошлаб келар,
хаёлларим баҳорни.
Оқ кўйлакда оппоқ замин,
кўраяпман оқ қорни.
Чўнг уммонга тўш уради,
телба еллар югуриб.
Менинг кўнглим ўй суради
Сукунатда қайғуриб.
Ва изғирин кулиб кетар,
Алдагандай мен зорни.
Хаёлларим бошлаб келар,
соғинганим баҳорни...

ҚАДИМГИ ҚУШИҚ

Дарё бўйи чиройли.
Кундуз қуёш, тун ойли.
Дарёга боролмайман,
Менинг бошгинам бойли.

Бойланган бошим менинг,
Отилган тошим менинг.
Дарё бўлиб оқди-ей,
Кўзлардан ёшим менинг.

Гоҳи тўладир қалбим,
Дарё бўладир қалбим.
Гоҳи гулдай очилиб,
Гоҳи сўладир қалбим.

Дарёга боролмайман.
Соҳилга қайтолмайман.
Сизни соғинганимни.
Ҳеч кимга айтолмайман.

Бойланган бошим менинг,
Отилган тошим менинг.
Дарё бўлиб оқди-ей,
Кўзлардан ёшим менинг...

ОНАЖОН

Эриб кетсин кўнглингдаги ғам,
Эшигингни очгин елларга.
Келади де, келар де болам,
Ўзинг яхши кўрган элларга.

Беҳудага йиғлашни қўйгин,
То кўзёшдан қуймасин бу жон.
Энг аввало ўзингни суйгин,
Сен ўзингни асра, онажон!

Тунлар чиқиб осмонларга боқ,
Сўнг ҳайратдан ҳовучла юрак.
Она, сенга интизор, муштоқ,
Кўзлар учун яшашинг керак!

Она, асра ҳали ушалиб,
Ушалмаган кўл дамларингни,
Яхши қунлар гулдай тўшалиб,
Ўпид ётар қадамларингни!

• • •

Овунтирмоқ қасди барибир бекор,
Намхуш деразалар дилим ғашлади.
Ёмғирнинг қўйнида, хонадан безор,
Бебош ўйларимни сочиб ташладим.

Тун бўйи ёмғирда алданди кўзим,
Ахтариб даланинг сайҳонларини.
Инглади, юпанса мисралар—сўзим,
Сўроқлаб қишлоқнинграйхонларини...

Қайдадир осмоним юлдузлар илган,
Тупроқли кўчалар, шаршаралар ўқ.
Томдаги тарновлар тили қайрилган,
Бу ерда сойларим дарёларим йўқ.

Хиёбон чироили, одамлар гўзал,
Қарайман баҳтиёр, баҳтли кўзлари.
Қайсиидир бекатда мени сўроқлар,
Китобнинг меҳнаткаш автобуслари!..

• • •

Мунча кўп қийнадинг ширин жонимни,
Ҳар куни кўзимда ҳайрон юрасан.
Кўйлаги йиртилиб чопаётган сўз,
Айт, менга нимани раво кўрасан.

Айрилиқ кўзингда лиммо-лим шароб,
Ашқингни лол этиб гирён туласан.
Чанқаган руҳимдан отилгани гулоб,
Айт, менга нимани раво кўрасан.

(

Ўзингни алдайсан, ғийбатлар бисёр,
Ситилиб битдими!—ҳар он сўрарсан.
Тилимдан томчилаб тизилган савол,
Айт. менга нимани раво кўрарсан.


Хўп тўлиб оқдим мен қадримга етмай,
Бенаво ҳолимга оҳлар урарсан.
Сен менинг ёнимга бир келиб кетмай,
Айт, менга нимани раво кўрарсан!

• • •

Яхши кун сочимга баргаклар тақар,
Озурда хаёллар сочилар елга.
Ширин бўсаларинг тилимни ёқар,
Айт, сени обориб қўяй қаерга.

Дов-дараҳт сездирмай энтиқади жим,
Илиқлик оромин олар кўнглимнииг.
Мен тагин қаттиқроқ бағримга босай,
Биринчи баҳорин кўрган ўғлимниинг.

Яна бир одам бор азиздан-азиз,
Юраги бедору беором тепган.
Ховлининг бир парча кунгай ерида.
Келар, деб мен учун ўсмалар эккан.



**Қизариб пишади унда ҳалволар,
Дастурхони тўлиб турар ҳар наҳор.
Сен менинг онамнинг ёнида юргин,
Сен менинг онамни асрагин Баҳор!**

• • •

**Чинни коса лабидан тўқилади май,
Томчилаб тўқилар шаробга умрим.
Кел, мени ёдингдан чиқариб қўймай,
Барқ уриб руҳимда очилган гулим.**

**Сабрсиз баходир худодаи қайтиб,
Тоқати тоқ бўлган тошларга кетсин.
То сўраб келгунча илтижоларим,
Ҳали сен етмаган кунларга етсин .**

**Изисиз югурсин безабон ўлим,
Бош бўлиб, қош бўлиб камонсиз ўққа,
Топшириб қўйдингми ўзингни гулим,
Ўзидан ўзгани сўйгани йўққа...**

* * *

**Кўзларингда бир тонг бўлсайдим,
Болишингта дунёни йигиб,
Ел тилида сухбат қиласдим.
(Сархуш кенгликларни тиласдим...)**

Замин бўлсам эди, пойингга,
Зангэр-зангор поёндоз солиб,
Ер тилида сухбат қилардим.
(Мангу яшиллигинг тилардим...)

Осмон бўлсам эди, ложувард,
Ойни олиб келиб қошингга,
Ой тилида сухбат қилардим.
(Омон-омонлигиг тилардим...)

Кўзларингда сахрон кабир,
Қақраб ётган чўлга етдим, мен.
Сўзинг ёлғонлигии билардим.
Кўзларингни ташлаб кетдим мен!
(Ростгўй сўзларингни тилардим...)

* * *

Бундай гапни кўтармас кўнглим,
Кўкрагимга санчқи бош қўяр.
Ёлғон гапнинг умридай ўлим,
Кипригимда селоб ёш уяр.

Юрагимнинг даштида ҳамон
Чарх уради энди хотира.
Ёмон қилдим, ёмондан ёмон,
Мен ўзимни жечирмам сира.

Талвасага тушар маломат,
Ярим тунда отилган ўқдай.
Қайга кетиб борар хұш омад,
Дахри-дунда Инобат йүқдай...

* * *

Тун чўкарди қишлоққа—ғолиб,
Тин оларди бечора гардлар.
Лой этакни кифтига олиб,
Етогига қайтарди — дардлар.

Этатларда излари бордир,
Кирза этик товоилярининг.
Ўй-хаёли фаромуш, дилгир,
Ўқувчилик замонлярининг.

Пинҳон эди қанча нолишлар,
Хўрсиниқлар пинҳона қолди.
Кўзёшларни ютди болишлар,
Замин оғир хаёлга толди.

Пайкалларда ухлайди кунлар,
Алла айтар шийпон ўксиниб,
Тин олади бағрибутунлар,
Тун ойнаси дарз тортар — синиб...

Яшнаб келар келгуси баҳор,
Ҳақ кўзларга тикилади — шан.
Бугун кимни сўроққа тутар,
Сукут ичра тикилган Ватан?!

• • •

Тоғдан тош күчса чидай:
Хақ тонгуси омонлар.
Иўл излаган йўлчидай,
Еб қўяди гумонлар.

Бошдан сирғалар ҳушим.
Қирқ азобда қирқ кечам.
Қўшиқ айтар бахт қушим,
Ашкиё қилмас ҳечам,

Кимга керак, кун қаро.
Кимга керак билмасман.
Кетсам агар дунёдан,
Қайтиб яна келмасман.

Кетсам гумонлар аро,
Сипқоринг, ичинг, майман.
Юрагим оғрир, яра,
Мен сизни...

(Софинмайман!..)

• • •

Мен сизни тушунмайман.
Тушунмай йиғлар дилим.
Бир кун очиқ кўзимга,
Сыз йўқ, деб айтди тилим.

Сизни йўқ, деб ўзига,
Армон бичди ҳушларим.
Сизни кўп кўриб охир,
Ташлаб кетди тушларим.

Бу анбар қуилар эмас,
Узиларми тор мисол.
Қувваи ҳофизамга
Бон қўйган боғлар малол.

Кезиб чиқар нигоҳим,
Қароқдан томган сойни.
Мен қайдан топиб келай,
Үйимга келмас ойни.

Қумрилар айтар аза,
Саҳар тўкилар шабнам.
Мен сизни тушунмайман,
Ҳар қанча соғинсам ҳам!

БАХТ ЮКИ

Бир тонг менга совға қилди
Узуқ-юлуқ саҳаргача
тушларнимас,
Ол шафақдай лов-лов ёнган
Онам кийган қуйлагини.
Бир Тонг менинг кипригимда
майса солди

Ҳар лаҳзада учб юр, ан
ҳушларнимас,
Покиза рух,
Барқут гилам,
Орзуларнинг замгор-зани ор
кукламини.
Бир тонг қуёш йўлларимга
гулдай сочди,
Армон сечин ёйиб юрган кунларничас,
Озурда жон,
ширин азоб,
Минг бир тарҳда садо берган Тунларини.
Бир тонг менга назо берди.
Дилбар қўшиқ —
Эрта баҳор қоялардан эриб тушибан
Қорларнимас,
Бахмал йўлдан юриб келган
Момом айтган ўланлари,
унларини.
Бир тонг менга совға қилди
Олтин бешик,
Елкасида ой кўтарган.
Остонада қуёш кулган
Кунларини!!

• • •

ЖАМШИДБЕККА

Қўлларингни узатгин менга,
Жажжи қўлларигдан тутиб оламан
Ва
кўрсатиб қўяман сенга.
баланд осмон,
юлдузлару
оимомани ҳам...
Қўлларингни узатгин эркам,
Сени кутар бугун йўлакда,
Қутлуғ келаётган —
Биринчи қадам!

ИУЛ БОШИДА

Оғир хаёллардай оғир қаноат
Тилайсан опангга азиз укажон.
Момоларим қўлин дуога очиб,
Сабр тилаётир менга соғ-омон.

Зангорранг тепалар мудрайди ҳорғин,
Чўпонлар юзида төвланади шон.
Онам йиғлаётир: «Саломат боргин!»
Отамнинг юзида минг шубҳа шу он.

Темирийўл бошидан қўлини узатган,
Иккала елкаси—икки кифти—об.
Мен энди кетарман қишлоқ кузатган,
Элимни бағрингда асрарин, Китоб!

ҲАЗИЛ

Баъзан қуёш булиб қулиб турасиз,
Баъзида булутдек қовоқ уясанз.
Гоҳида недандир раңжигал булиб,
Мени изтиробга солиб қўясиз.

Майли ҳамроҳ булинг умр йўлимга,
Майли қонун бўлсин ҳар бир сўзингиз.
Гоҳи ковоқ усб. гоҳида қулиб,
Илҳом бериб туринг фақат ўзингиз...

• • •

Ёмғирли йўлаклар яшарар шиша,
Ёмғирнинг ҳидидан энтиқар олам.
Ўйноқи ҳисларга хаёллар неча,
Менсиз қолди унда хувиллаб хонам.

Шошиб-шошиб ўтар одамлар бунда,
Ёмғирдан панада улар бошлари.
Бебош ўйларимга урилар иега.
Нега керак ахир ёмғирпўшлари!

• Бир бошга ёмғир ҳам, кор ҳам тушар-ку,
• Осмон ўз ғамидан тўкар ёшларин.
Одамлар англамас, тингламас нега,
Нега беркитишар дарров бошларин!!

• • •

Чиқолмадим сўнгги поездга,
Самолётга билет тоимадим.
Ташлаб кетган ҳавойўл изга.
Мени олиб кет, деб чопмадим.

Ташлаб кетди мени самолёт,
Ташлаб кетди сўнгги поезд ҳам.
Умидворим, ҳавойўллар ёт,
Бегонадир темирийўл из ҳам.

Бегонадан ўйларим бетоб,
Кимдир қайси юртга учмоқда.
Софинганим, соғинчим Китоб,
Кимни суюб, кимни қучмоқда.

Үйғонамай тонгдан илгарн,
Рости, бу тун ухлолганим йўқ.
Очилмаган эшиклар бари ---
юрагимга ботаётган ўқ.

Тұлиб кетди үқларга юрак,
Ва андиша нардаларига.
Мен не учун чидашим керак,
Кассир қизнинг зардаларига.

Ұзлигимни топиб олишим,
Сұнг пиёда кетишім керак.
Құли очиң аёллар — иши,
Хұзурига етишим керак.

Юрак ёнар, интиқ күзларинг,
Висолингни зир излаб она.
Биргина сен... ширин сұзларинг,
Азоблардан айлар бегона.

ЮПАНЧ

Елғизликнинг күйлагини еч,
У шунчаки ялтироқ либос.
Бир тонггача зиёфат учун,
Сариқ гулдан тикилган холос.

Елғизликнинг йұллари узун,
Ва ҳасратли мусофир жойда.
Қара, тупроқ ташимаса ҳам,
Доғ күринар күкдаги ойда.

Елғизликинг тошлари оғир,
Босиб кетар елкангдан ерга.
Бор умримни Бакшида жилгум,
Пешонангдан түқилган терга...

ОЙНИНГ НУРЛИ ҚҰЛЛАРИДА...

Ойнинг нурли құлларида
ұрилган сочим,
Туя қүйніда қиәқта йүлга бойланиб қолди.
Мен йүлдаман,
сен біровга қалбингин очдинг
Ва тұлғаңған битта сочға айланиб қолдинг...

* * *

Синглим Латсфатга

Бола әдик.
узун түнлари
дараҳтлар осуда әргак айтарди.
Бола әдик:
варрак учирсак
учиб-учиб ерга қайтарди.
Варрак учиб ерга қайтувчи,
Биз манзилни узоқ олармиз.
Учармизу әргак айтувчи
дараҳтларга ўхшаб қолармиз...

• • •

Инғладим, ўзимга ўхшамадим мен,
Кулгимни ўзимга ўхшатолмадим.
Унинг кўкрагига борқмни қўйиб,
Беором кўнглимни бўшатолмадим.

На кулдим, на қатра тўқдим ёшимни,
На гаму на баҳтга йўлдош бўлдим мен.
У гулдай бағрига босмоқчи эди,
Бўлмади тош бўлдим, бир тош бўлдим мен...

СОҲИЛДАГИ ҮЙЛАР

Санамайман, ўтган кунимни.
Хаммаснга дош бераман, дош.
Ҳайратимни, ўтган кунимни,
Синамоққа етарми бардош.

Ўлаётир, дедилар Орол,
Бугув денгиз ўлар, дедилар.
Балки энди, балки ҳҳтимол,
Ўша кунлар келар, дедилар...

Ўша кунга менинг арзим кўп,
Ўша кунлар бир зумда қантсин.
Йўлларнда қанча хаёллар.
Қанча хато борлигин айтсии.

Ҳақлар айтсиз, ҳақ йўлни топиб,
Токи таскин етесин дилимга.
Ҳабар берай, ҳоълиқиб, чолиб,
Ёлғон билмас аҳли элимга.

Бориб айтай уларга тагин,
Ёлғон бари! Орол ўлмаган.
Иўлларида бекор хиёнат,
Иўлларида гумон бўлмаган.

Сураг мендзи саҳар этада,
Кучат экиб лой кечган аёл.
Бир кун сурар буғдой ўрими,
Қоқ пешинда чанцаган хаёя.

Термулади узун хотира.
Анҳор буйн сўллаиган толлэр.
Ёзидағи набирасига
Ўтмишни сўйлаган чоллар.

Орол тўлиб турибди мана,
Дейишга мен тонайин имкон.
Ўлма, Орол, ўлма, Оролим,
Сенинг ўлиб кетишинг ёлғон.

Биламан бор қалбингда алам,
Юрагингда бордир гумонлар.
Ўлма, Орол, ўлма, Оролим,
Хар ерда бор яхши, ёмонлар.

Мен санамай ўтган кунимни,
Ноҳақ ўлсин, то сен ўлгунча,
Йиғлаб ёзай, йиғлаб жим турай,
Соҳилларинг сувга тўлгунча!..

* * *

Уша куни сизни жуда соғиндим.
Ёмғир ҳам аразлаб кетди негадир.
Менинг хаёлимни кулгим, ғийимни,
Ногоҳ алмаштириб қўйди кимгадир.

Уша куни ғамгин боғни айландим,
Ҳамма ҳазонларга тўкиб солдим дард.
Мен сизни соғиниб яшаган кунда,
Ёмғир ҳам ғузага бўлиб қолди банд...

КУНГИЛ ҚУШЛАРИ

(Туркумдан)

Кутатишга чиқмадим сизни,
Кутиб олишим-да, бир гумон.
Хатоларга буркадим изни,
Хатоларга буркадим ёмон.

Хато қилдим балки кеча ҳам,
Юрак нотинч ура бошлайди.
Хато бўлди шу сўнгти қадам,
Бугун юрагимни ғашлайди.

Нега босдим, энди шу хато,
Тинмай ўйларимни эзғилар.
Етиб кслётган сентябрь,
Тўкмасайди хазонрезгилар...

* * *

Лайлаклар келади бу баҳор...
Сиз кутган йўлларни билади.
Баҳорга, диёрга интизор,
Лайлаклар бу баҳор келади...

Қирларга чопади бойчечак,
Эрийди баҳорнинг зорлари.
Кўзлари порлаган келинчак,
Душёга қарайди нозланиб.

Лайлаклар келади кечикмай,
Соғинган манзилин топади.
Висолга етасиз, ичикмай,
Бахтиёр нигоҳлар чопади.

Ва шунда эслайсиз кетганим,
Хаёлни саволлар тароқлар.
Лайлаклар: яна бир кутганим,
Қани, деб, қайдা, деб сўроқлар...

• • •
Ҳар кун мени йўлларим қутар,
Изларимни ўпгани такрер.
Қуёш ерни соғиниб ўтар —
Тушларида қўринган дилдор.

Юлдузлардан тўлиб, тўлишиб,
Ой фонусин кўтарар ҳар шон.
Ҳисларни бирдай бўлишиб,
Кўксимга бош қўяди оқшом.

Жиғлиқ келар қайдандир оқиб,
Бит а-битта қадам ташлайман.
Кўп соғинган йўлларга бокиб,
Айрилиқни сеза бошлайман.

• • •
Бир пас қўзларигни юмгин, юмақол,
Бирпас қўлларингни қўйгин қўлимга.
Бугун қўкрагимга бош қўй бемалол,
Менман, фақат менман ўнгу сўлингда.

Қнидан чиққан дилим энтикиб кетар,
Шарпанг қулоғимга урилар минг бор.
Енгиб ўтолмайман, бас, энди етар,
Кириб келаётган сенмисан — БАҲОР!

• • •

Қайси куни баҳтга ёр эдик,
Кунларимиз гўзал эди оҳ.
Бугун қайда юрибсиз, дийдам,
Кузларингиз — бир дунё сўроғ...

Йиллар шошар, йиллар бемисол,
Ойга ташлаб бўлмасдек уроқ.
Менам кетиб борарман бу дам,
Босган изим, йўлларим сўроқ.

Сукутли тонг, иени кутарман,
Яланғоч тун, менда йўқ гуноҳ.
Сизни топиб, сизсиз ўтарман,
Шудир менга энг оғир гуноҳ!!!

ДИЛБАРГА

Бир нома ўқиб бер, кўнглим ёзилсин,
Бошига ой қўнган қизлардан ўқи.
Лойсувоқ томларнинг дарвозасига,
Ўттиз деб ёзилган излардан ўқи.

Олтиндай товланган буғдоизорларнинг
Хушанбар, ифорли бўйидан ўқи.
Энг кичик ўглига келин тушнрган
Муқаддам холамнинг тўйидан ўқи.

Гапингни бўзлатма, сабрга тиниб,
Олови гуриллоқ ўчоқдан ўқи.
Эл уни номусли аёл санаган,
Оқ тулли чит кўйлак, қучоқдан ўқи.

Сўз очма, зардоблар ютмаган кун йўқ,
Зардани билмаган кунлардан ўқи.
Оёғи остига осмон тўшалиб,
Ухлаган ху ўша тунлардан ўқи!

БИР КУНИ...

Шунчалик бачкана кўтаришган бош,
Одамбўй, етмайди қўллар чўзилиб.
Илашсак илашиб қолдик, кўзда ёш.
Киприқдан тушмасми ерга узилиб.

Бағрихун от сакраб юганни узар,
Касоси қайрилган кўнглини титиб.
Омон бўл, ўзидан ўзгани билмай.
Сайроқи тилини кесмаган тутиб.

Тут эмас, увалиб оёққа тушган,
Савобга бўйинни узатган Фирот.
Ўзингни ҳаммадан ортиқ кўрарман,
Энг улуғ йўлларнинг сардори—ҲИРОТ!

• • •

Бу кеча ўзича туш кўрар қўзим,
Узилмай чўзилиб боради ўйинг.
То маҳшар кунига етгуни қадар,
Томига битта тол етмади уйнинг.

Тушида муродим ўтунур жондан,
Оловранг кўрпача танига ботар.
Яна мен, ёнимда бир дастурхондан,
Шотутнинг барглари термулиб ётар.

Қизилли пахтагул чойнаклар тўла,
Совуқчой ичида ҳансирап ўтин.
Букчайиб қарайди ерга бир йўла,
Тўрт марта узилиб уланмаган кин!

Бир уюм тупроқнинг ранглари сомон,
Сомонийул бошида битмай қолди уй.
Қачон, (мен йиғласам...) Китобга томон,
Шаҳардан аразлаб кетмай қолди ўй!

• • •

Эзилдим, ранги йўқ, кунлар тик турар,
Кезмаклик маъниси қани бу кеча.
Нечун мен дод десам, жонимни сўрар,
Ўйимдан узоқда сақлаган кўча.

Ўн беш йил жонимни титди, етмаса,
Ўн беш йил тилимни тишлади сабр.
Хоҳласам яратган олиб кетмаса,
Бир дона жонимга юз мингта жабр.

Оқарми дарёлар юзлари қизил,
Олмаранг дудоқлар чашмаи зилол
Туғлари оловранг, шамлари тизил,
Оқмаган дарёга илло, назар сол.

Оқизоқ йўлларим олмадай тарапнг,
Тарапнг бир олмага етказгин мани.
Қасосим қайрилар қинида аранг —
Умид! Бир қўлингда олиб кет, мани!..

• • •

Жон битдими, бежон танимга.
Руҳим мени овутмай қўйди.
Саҳрода гулхан ёққанимга.
Келиб ёнган танимни сўйди.

Намозгарга алишдим кунни,
Ўн қаландар ёнимдан ўтди.
Танбурга тил айладим тунни,
Оғриган бу жонимни ютди.

Дардларимга шифо ёзди гул,
Хофиз девон яратди мендан.
Худога минг қатра шукур ул,
Изимга йўл бошлади ўнгдан.

Ғамбод кунлар бош олиб кетди,
Катта бўлди қучоқ расида.
Ҳасрат кўзда ёш бўлиб кетди,
Армон бўлди тунги қасида.

Тўрт мучамда эсон-омонлик,
Сарбонимда ўлдир эй, таним.
Бир ўзингда кўрдим дунёнинг,
Улуғлигин улуғ туққаним!

* * *

Мен сизни кечирай?!

Кечирмоқ нечун,
Бу телба руҳимда ситамгар хаёл.
Муҳаббат қабрига бош қўймоқ учун,
Кечикиб келибди жанинати аёл.

Мен сизни тош дейин,
Тош демоқ нечун,
Тупроқ ҳам одамдан яралган асли.
О, мени кимларга алишмоқ учун.
Шу қайсар қўзимга кўрсатмоқ қасди.

Гадо йиғлаб ўтар мен сиздан кетсам,
Подшо йиғлаб ўтар мен сиздан кетсам.
Кечирмоқлик асли муродим әрмас,
Адо йиғлаб ўтар мен сиздан кетсам!..

МАҲМУД ТОРОБИЙ ТЕПАЛИГИДА

Ватан—бу кўксиди пичоқдан из бор,
Тилида тимдалаб расм чизилган.
Дод солган, худойим на ўғил, қиз бор,
Равзадин миённати бевақт узилган.

Не хато гуноҳми, жонига жабр,
Қуёш минг айланниб минг бора ўтган.
Бу қандай разолат, бу қандай сабр,
Бир ҳовуч тупроқни қучоқлаб ётган.

Ватан — бу гуноҳдан елкалар яғир,
Бориб тиз чўкмаган меҳроб култела.
Риҳлат йўқ, риндалик кунжида сағир,
Бир сиқим тупроққа кўиган ул тепа.

Ватан — бу оғиздан чиқсан оҳ мисол,
Минг битта томирдан томмаган қон бу.
Осиёга тиланган ғам, гуноҳ ҳармаҳал,
Риҳлат кунжагига бош кўйган жон бу.

Художўй фалакдан дод келар, қасам,
Урган қўл учидя яна ёздирап.
Наҳот шунча йўлни кўрмади десам,
Деди: бандам мени йўлдан оздираш.

Бандалик ўзингдан тилангани ўтич,
Тангри таолодан тилангани зорим.
Бу осий бандангнинг гуноҳидан кеч,
Беайбу бегуноҳ нарвардигорим!

* * *

Қани У?!

Вақт яна чўзилар,
Ўн, ўн беш, йигирма дақиқа.
Бир соат... жоним-эй, узилар.
Ўқ етмас отилиб ақлга.
Меники демайман қаҳрни,
Яхшиси ҳали вақт ҳеч дейман.
Юраги кир бўлган сабрни,
Қорайган тунингни: еч, дейман.
Томчилаб тўкилар дилхирож.
Қўзлари кўр бўлган кўчанинг.
Сир сақлай биларми дилсироҷ,
Қўнгли сил бўлмаган кечанинг.
Аввали кўрмаган эканми,
Тўйчининг нолзвор тўйини.
Дунёда йиглаган мен камми,
Тақдирнинг тор экан ўйини...

* * *

Мен бугун чарчадим, ўзимдан
Ўзилиб боради нигоҳим.
Ўйини тополмай, изимдан,
Изилләб келади оҳ-воҳим.

Ваҳима кўксимда санч илар,
Афтода рангимда аломат.
Тоғ тили тилимга санчилар,
Тош теккан бошимда маломат.

Жовдираб кўзимга, мудраган,
Кўрпасин кўтариб Тун кираар.
Оёғи оқсоқми судраган,
Паришон кунларим тентирав.

Боз яна тикилар баланд бўй,
Майсанинг қовжираб тўнига.
Бу не кун хаёлми, бу не ўй,
Куним тенг Мажнунми кунига!

Оёғим остидан илонлар,
Бошини кўтарар ғам бўлиб.
Кўзлари йиртилар, жилонглар.
Қуруқшоқ лаблари нам бўлиб.

Мен бугун чарчадим, ўзимдан,
Узилиб боради жон тигим.
Кўзлари ёш тўкар кўзимдан.
Чилласи чиқмаган ёстиғим.

Ва ўса бошлайди бир гуноҳ,
Бу сирни бироғга айтмаган.
Тоқатим тоғ каби бўлар тоқ.
Ҳали мен кутганим қайтмаган...

★ ★ ★

Бори ўйим тўкилиб борар,
Сархуш елга сиримни бердим.
Фарид куилар юрагим ёпар,
Келсанг, сени соғиндим. дердим.

Садақага тиланчи мисол,
Елворувчи хаёллар тинар.
Хотирамнинг деворларига,
Келсанг яна хаёлинг инар.

Рашк, ҳасаддан тўлғонади ел,
Яна сенинг исмингни айтар.
Тушимда ҳам, ўнгимда ҳам кел,
Қайтар мени, ўзимга қайтар...

Сиз кетган жойда мен тұхтадим,
Дараҳтлар уйғонди уйқудан.
Ортимга қайрилиб қаролмай,
Хомушман, ўртаган туйғудан.

Тұрт томон аждақо, ютгудай,
Жон тилаб олади сиримдан.
Телба кун жонимдан ўтгудай,
Чимчилар дуч келган еримдан.

Новдаси узилган мисоли,
Дараҳтлар осмонга мұлтирағ.
Аямай күнглимин силтаган,
Үйларим шу жойда үлтирағ.

Шивирлар ўксиган күзларим,
Сагира онларинг бетайин.
Бир оғиз сўзимнинг қурбони.
Шу жойда қолдирағ атайин...

* * *

Қувончим күзидан айрилар,
Улоқиб кетади қайгадир.
Хомушман, сўзларим қайрилар,
Бошлаган йўллари майдадир.

Йўлаклар bemажол — йиңилар,
Сабртош қучоқлар тилимни.
Ҳижронда бодомгул сиқилар,
Ўлдирап гуллаган йилимни.

Сукунат пардадан мўралаб,
Жимгина оқади хонамга.
Оёқдан бошгача ўралиб,
Бошлар мен сиғмаган оламга.

Маржондай тизилар хавотир,
Ҳали ҳам сиғмайман ўзимга.
Кўксимга етмаган ҳаводир,
Ховлиқиб қайтади кўзимга!

* * *

Хаёлчан нигоҳим, яширгин,
Сел бўлиб тинмаган ёшимни.
Н ҳудо! Сабримни оширгин,
Тошдан қил, шу азиз бошимни.

Сўнг яна ўргатгин, ташлаб чиқ,
Сукунат әлаган унингни.
Ой кўрган кунингни бошлаб чиқ,
Бошлаб чиқ, ой кўрган кунингни!

Ғинг демай йиғласин баҳриёд,
Баҳриёд кечалар йиғласин.
Гар сени бошимга қўймасам,
Шу азоб кўксимга сиғмасин!

Еандт яна сахродай чўзилар,
Мен энди дўст топа билмайман.
Демак, мен... (бир жоним ўзилар)
Қайтиб бу дунёга келмайман!..

• • •

Қўй, яхшиси ўзингдан гапир,
Хотирамни қучоқлаб ётма.
Бу кечада сену мен ахир.
Кўп ўзингдан узоқлаб кетма!

Болишингга тутиб бер, сабр,
Қобоқлари қабарсин түннинг.
Баданига тиф ботиб борар,
Оромни йўқ, гардуни-дуннинг...

• • •

Узун тундан сирғалар ситам,
Ҳаловатдан бенасиб қоя.
Ё худойим! Кўзини юмсам,
Алҳамдилло... алҳамдиллоят...

Бўм-бўш тўшак танимни ютар,
Қучсам йиғлаб ётибди жоним.
Кокиллар: ёйилган ўтар,
Бу дунёда бир меҳрибоним.

Ейлади сурмаранг либос,
Гавжум хона қонимни сўрар.
Мингта жавон ўйнаган уйнинг,
Пойгагидан оёғим юрар.

Осилади бўйимга ҳайҳот,
Мени ҳечам тушунмаган уй.
Ё кечикиб келдимми, ҳаёт,
Энди мени ўз ҳолимга қўй!

* * *

Сиз — кўзимга кўмилган оғриқ.
Сиз — тилимдан чиқмаган жоним.
Оёқ учимгача мўлжаллаб,
Үқ отмаган бир меҳрибоним.

Сиз — танимга сиғмаган азоб,
Сиз — кипринда тўхтаган ёшим.
Тун билан тонг аро ялангоч,
Бўғзида тош тиқилган дошим.

Сиз — совқотиб титраган дарахт,
Сўнг қадрига етмаган оҳним.
Шароб тўла лабларимдан май,
Симирмаган ёлғиз паноҳим...

* * *

Бу кеч узоқ йиғладим,
Йиғлади кўксимда тоғ.
Ютоқиб қучди мени,
Кимсасиз йўлда адоқ.

Пичирладим кўксимга,
Қўй, йиғлама, кулайлик.
Бир кечча келмас ойга,
Ёлғиз паноқ бўлайлик.

Кичик қучогимдан чиқ,
Кел, суягин ёнимдан.
Каддимни рост этолмай,
Азоб ўтар жонимдан.

Машраби бенаводек,
Оҳ урган ул оҳлиман.
Томчилаб томган ёшга,
Ёлғиз мен гуноҳлиман.

Бугун авзоим ёмон,
Тантиқ қишига тоб бердим.
Во ажаб, жисмим қолиб,
Рухимга азоб бердим.

Ҳасратимдан доғ томар,
Беайб парвардигорим.
Кел, энди ёнимга кир,
Қўй, йиғлама, нигорим.

Тентимайлик тун билан,
Тугаб борар иложим.
Ё раб, даҳри-дун билан,
Қачон жимман, қачон жим.

Тонг ўйғонар, мен ёлғиз,
Ўз-ўзимга сұзлайман.
Этаги тұлмай қолган,
Баҳоримни куз дейман.

Чорлайверар маҳшар кун,
Бор әдімми, борми мен.
Катта йүлда йүл топмай,
Юрган ёлғиз орми мен.

Кетмогим шарт бу йұлдан,
Никоҳингга олғын, ой.
Қаҳри қаттиқ заминдан,
Топмадим бир парча жой!

• • •

Ўзим асли ёмонман —
Салом худонинг қарзи.
Қулоғимга кирмайди,
Мұхтарам құлнинг арзи.

Ҳар бир бутоқ бир уйчан,
Икки кўзи кўр тумор.
Сарғайган дараҳт бўйчан,
Яшил рангларга хумор.

Тупроққа қоришган ер,
Жонини хушлаб ётар.
Тор қўйнимга сиғмай кўр,
Кўзингга қумлар ботар.

Ўзни алдамоқчидаӣ.
Тўхтаб қолар туманлар.
Бир марта кўрмоқ бўлиб,
Сарсон кезар гумонлар.

Мисралар тошдай оғир,
Мушку анбар бағри сук.
Тушимга кирмай қўйдинг —
Мени соғинганинг йўқ!

Оппоқ сочли оқсоқол дунё,
Ранг-рўйидан узилиб кетди.
Пешонасиён уриб тошларга,
Узун қатор бузилиб кетди.

Баланд бўйи етмади шохдан,
Серрайганча қотиб қолди кин.
Чаинг токчадан қалпогин олиб,
Кийиб олди бошига замин.

Сўраб олди тор кўчалар ҳам,
Онасидан қолган отини.
Осмон узоқ, ер қаттиқ экан,
Таниб қолди асл зотини.

Анҳор куйиб кетди дафъатан,
Машраб мисол йиглади ўнлар.
Мубталои ғам бўлган экан,
Мен қадрига етмаган кунлар!

• • •

Қоронғу дераза қовоғин уяр,
Хорғин кўзларимда тўхтаб қолар моҳ.
Сўрамай елкамга бошини қўяр,
Юзимга юзини босар тирамоҳ.

Тилмининг учиди очилади сўз,
Қоқ икки бўлинниб кевади кунлар.
Тонг кириб келади уйимга қачон...
лабимда очилиб кетади гуллар...

* * *

Соат ўндан ўн минут ўтди,
Ўн бўлакка бўлчиди жоним.
Оёгини қўлига олиб,
Чолиб кетди соғинган оним.

Кўчаларда санқийди олов,
Тутаб борар бўлинган жоним.
Темирйўлда чўзилиб ётар.
Ўн минутга кечиккан оним...

* * *

Қисматимга қўлини тутиб,
Титраб ётар бечора жоним.
Тушларида мени овутиб,
Ўлиб қўяр бир меҳрибоним.

Олисларда қалқийди тинмай,
Танглайимда қотган забоним.
Тушларида очиқ кўзимни,
Елиб қўяр бир меҳрибоним.

Ерилади чирилдоқ тутиб,
Руҳимдаги ялангоёқ тун.
Тушларида мени овутиб,
Олиб кетар айрилиқдан сўнг.

Дилимдаги тилимга чипқон,
Чиқмаган, деб айтганимни қўй.
Сени ташлаб келганимга ҳам,
Ун йил бўлди, УТТИЗИНЧИ УЙ!

* * *

Катта онам Зулайҳо Носир қизига
Шамол бўлиб елдим, моможон,
Узун йўллар узоқда қолди.
Етиб келдим, билдим моможон,
Қадамларим шу ерда толди.
Ҳали муинг бор, ҳали минг йиллик,
Азоб кўзингиздан кетмаган.
Момо, сандиқдаги келинлик,
Либосингиз ҳали йитмаган.
Бари қолган ўша маҳалниң
Сиз йўқотган кечаларида.
Изим тушди момо, шаҳарнинг
Сиз юрмаган кўчаларида.
Кутавериб кунда әзилган,
Минг бир савол ўрайди мани,
Саксон йилки чизиқ чизилган,
Қўллар сочим сўрайди мани.
Суюб, суюб сира тўймаган,
Сўзлар қўнар елкаларимга.
Моможоним, сўраб қўймаган,
Кўзлар қўнар ўлкаларимга.
Пешонамни силаб, соғиниб,
Узун айрилиқни ўпар қўл.

Мендан олдин юриб, топиниб,
Сархуш кенгликларга чопар йўл.
Нигоҳларга тўлиб келган нам,
Тўлиб-тўлиб тўхтайди кўзда.
Хамир қориб, нои ёпган онам.
Саволлари ўхшайди сизга...
«... ёзмаяпсан, ўқимайсан ё,
Кўнглимда доғ тургани турган.
Юрагимга кўмилган дунё,
Юрагимдан яшашни ўрған!...»

7

* * *

Товонимга кириб зирачча,
Кеча қаттиқ азобга ботдим.
Кўзларимда қанчадан-қанча,
Софинч тўла тоигларим отди.

Тонглар мендек безовта — олам,
Кимдир бахтли санар ўзини.
Унутмадимикин қўк далам,
Шаҳардаги битта қизини?!

Унутмадимикин эгатга.
Қадди ёйдек эгилган элим?!
Юрагимга кичигу катта,
Армонлари тугилган элим?!

**Дарди - дили жонимга бешик,
Кулимсираб туш кўрар йўллар,
Энг сўнгги бор кузатган эшик,
Балдогига бойланар қўллар.**

**Нигоҳларим етиб-етмаган,
Пайкалларда изларни ўпар.
Дашт йўлидан чиқиб кетмаган,
Сочи узун қизларни ўпар.**

**Ўпаверар ва шошиб айтар,
Сенинг учун айтаман, тўлиб,
Қушлар қайтар, жанубга қайтар,
Сенинг учун қайтаман, тўлиб.**

**Енганингда ёнишм имла,
Куйганингда қуймоғим ҳаққим.
Елкасида ташвиши билан,
Қоп-қоп пахта кўтарган халқим!**

! • • •

**Чекин мубхам тўйғу,
бесамар хаёл,
Сохта мулозамат,
алдоқчи рўё.
Шеърхон юракларга илдизлар отиб,
Мен ҳам бир дараҳтдек турибман гўё.**

Дил истар тоза сўз янгроқларини,
Бахтсизликдир яна яралмаса бахт.
Ногаҳон сарғайган япроқларини,
Кўксидан шарт узуб ташлайди дараҳт'

ЗАМИНГА ДЕГАНЛАРИМ

Тожикистон зилзиласи қурбонлари
хотирасига. 1989 йил

Она Замин!
Она ер!
Бошинг нечун айланди?!
Тинчинг бузилди бирдан,
Кўзинг нечун бойланди?!
Фалокат босди элни.
Мотам кўйлакда ўлканг.
Нега ахир ,жим қотган,
Сўқирдай титрар елканг.
Нима бўлдийкин тонгда,
Сени йўлга бошлаган.
Кўкрагингни қоқ ёриб,
Тирик жонни ташлаган?!
Нима етснин додига.
Жавоб беролмайсан жим.
Тонгача бешик қучиб,
Соқовдай йиғлар тинчим.
Энди кўтаролмайсан.

Зилдай оғир қадамни.
Қандай тупроққа қординг,
Шунча тирик одамни?!
Шунча дардни бошингга,
Солиб хаёлга чўмдинг.
Урушдан омон келган.
Қўлтиқтаёқни кўмдинг.
Ҳали тахмон тахини.
Бузмаганди келининг.
Момосининг қарзини.
Узмаганди келининг.
Бош кўтариб жаннатдан.
Қарамаганди йигит.
Ҳали юртнинг дардига.
Ярамаганди йигит.
Балки тўлғоқ дардини.
Кўраётганди аёл.
Аффонда қолган ўғлини.
Сўраётганди аёл.
Шолиб-пишиб танчага,
Чўғ ҳам қаламовди-я,
Тонгда ёпарман, дея,
Нонга қарамовди-я!
Куримаган эди-ку.
Жўзидағи селоби.
Арменистонни ўйлаб.
Тұгамаган сўрови.
Ойни этак билан хеч.

Ениб бўлмас экан-а.
Замии! Дардингга даво,
Топиб бўлмасмикан-а.
Кожилидан зар пўнак,
Тушмаган қизни олдинг.
Ҳали очилмай қолган,
Баҳорин, кузни олдинг.
Неча юз-юз бешикда,
Боғланган армон кетди.
Тола-тола соchlару,
Киприклар ҳайрон кетди.
Ширин тушнинг сўнгига,
Етолмайин, етмайин.
Бир кечалик уйқудан,
уйғонмай ёмон кетди...

МУНДАРИЖА

Покиза туйғулар оламида	3
«Қанча сафар қариди...»	5
«Эшникка чөпар күзим...»	6
«Сұзимга кирмайди...»	7
«Хар күн мени...»	7
Марсия	8
«Етагида...»	10
«Чопиб чиқар поезд йұлиға...»	11
«Шамолдай...»	11
«Сураганинг...»	12
«Оқ қоғозда...»	12
«Деразадан бошлаб келар...»	13
Қадимги құшиқ	14
Она жон	15
«Овунтирмоқ қасди...»	15
«Мунча құн...»	16
«Яхши күн сочимга барғаклар тақар...» .	17
«Чинни коса лабидан...»	18
«Күздарингда бир тонг бұлсайдим...» .	18
«Бундай гапни...»	19
«Түн чукарди қишлоққа — голиб...» .	20
«Торғдан тош...»	21
«Мен сизни тушуммайман...»	21
Баҳт юки	22
«Көлларингни...»	24
«Йұл бошида...»	24
Ҳазил	25
«Емғирли йұлаклар...»	25
«Чиқолмадым сұнғы поездга...»	26
Юпанч	27

«Ойнинг нурлари...»	28
«Бола эдик...»	28
«Иғладим...»	29
Соҳилдаги ўйлар	29
«Ўша куни...»	31
Кўнгил кушлари (Туржум)	31
Дилбарга	34
Бир куни	35
«Бу кечади...»	36
«Эзилдим...»	36
«Жон битдими...»	37
«Мен сизни...»	38
Махмуд Таробий тепалигида	39
«Қани у?!»	40
«Мен бугун чарчадим...»	41
«Бори ўйим...»	42
«Сиз кетган жойда...»	43
«Кувончим...»	43
«Хаёлчан нигоҳим...»	44
«Қўй, яхшиси...»	45
Узун тундан сиргалар ситам	45
«Сиз — кўзимга...»	46
«Бу кеч узоқ йиғладим...»	47
«Ўзим асли...»	48
«Оппок сочли оқсоқод дунё...»	49
«Хоронгу дераза...»	50
«Соат ўндан...»	51
«Қисматимга қўлини тутиб...»	51
«Шамол бўлиб елдим, моможон...»	52
«Товонимга кириб зирачча...»	53
«Чекин мубҳам тўйгу...»	54
Заминга деганларим	55

Литературно-художественное издание

НОРМУРОДОВА ИНОБАТ

Берег желаний

Стихи

На узбекском языке

Рассом Р. Эшмуродова

Бадиий муҳаррир Н. Бердиев

Техник муқаррир Ч. Раҳмонов

Мусаҳҳих М. Хидирова

ИБ № 0015

Босмахонага 1. 08. 91 берилди. Босишга
11. 05. 92. руҳсат этилди. Бичими
60x84 1/32. Газета қоғози
Янги газета гарнитураси Юқори
босма усулида. Шартли босма л. 1,74.
Шартли кр-оттиск 1,92. Нашр л. 1,75. 10000
нусхада № 67 04 буюртма, №05-91 шартнома.
Эркин нархда.

«НАСАФ» нашриёти, 730018, Қарши,
Карл Маркс хиёбони, 22.

Ўзбекистон ССҶ матбуот Давлат қўмита-
си Қашқадарё вилоят матбуот бошқармаси
босмахонасида босилди. 730018, Қарши
шаҳри. К. Маркс хиёбони, 22.